

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУГУРТАГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

*Бухоро туманлараро
иқтисодий суди раиси
И.Юлдашев
ва судьялар **Н.Солиеев, М.Махсудова***

Суѓурта ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қадимий кўринишларидан биридир. Жамият ўртасидаги муносабатлар ривожлана боргани сайин суѓурта муносабатлари ҳам ривожланиб, ҳукукий тус олиб бораверди.

Суѓурта фуқаро ёки юридик шахс суѓурта ташкилоти билан тузадиган мулкий ёки шахсий суѓурта шартномалари асосида амалга оширилади. Кўриниб тургандек, суѓуртавий муносабатлар шартнома кўринишида тартибга солинади ҳамда суѓуртавий муносабатлар асосан икки турдаги суѓурта муносабатларини тартибга солади. Булар мулкий ва шахсий суѓурта муносабатларидир.

Замонавий фанда суѓурта шартномасининг ҳукукий табиатини тавсифловчи бир қатор нуқтаи назарлар мавжуд. М.Суворованинг фикрича, мажбурий суѓурта хусусий ҳуқуқ соҳасига оид ҳисобланади ва бундан хулоса қилиш мумкинки, бирор-бир ҳукукий институт хусусий ҳуқуққа оид бўлар экан у бир вақтнинг ўзида оммавий-ҳуқуқ соҳасига таллуқли бўла олмайди. Мажбурийлик тамойили суѓурта бўйича хусусий муносабатларни ҳукукий тартибга солиш характерига таъсир қилмайди ва уларнинг мазмунини ўзгартирмайди. Мажбурий суѓуртанинг мақсади – аниқ сиёсий ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдир. Албатта бу ўринда муаллифнинг мажбурий суѓуртанинг асосий мақсадларидан бири хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдир деган фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин. Б.Пугинскийнинг таъкидлашига кўра, қонун чиқарувчи суѓурта шартномасини фуқаролик ҳуқуки соҳасига киритишга ҳаракат қилмоқда, айниқса бу шартнома хўжалик муомаласида хусусий манфаатларни ҳимоялашнинг фуқаролик-ҳукукий воситаси бўлганда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Ю.Фогельсон эса шартномани тузиш тарафларнинг иккаласи учун ҳам мажбурий бўлса ҳамда шартнома шартлари қонун ҳужжатларида асосида белгиланса ҳам ҳақ тўлаш мажбурияти суѓурта шартномаси тузилганидан сўнг вужудга келади. Ушбу мажбуриятнинг мазмуни тарафларнинг хоҳиш-иродалари асосида аниқланиши мумкин, агар бундай аниқлаш намунавий қоидаларга зид бўлмаса. Бинобарин, О.Оқюлов ва Н.Эгамбердиевалар эътироф этишганидек, мажбурий суѓурта шартномаси бошқа шартномалардан суѓурта пули, бадали

махсус қонунларга асосан тузилиши ва бадал миқдори ҳам қатъий белгиланган бўлиб, уни фақат сұғурта қилдирувчи томонидан тўланиши билан фарқ қиласди. Ҳозирда бу турдаги шартнома, асосан фуқароларнинг учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини мажбурий сұғурталаш, кредит юзасидан гаровга қўйилаётган мулкни мажбурий сұғурталаш, гаров мулкини кредитни қоплаш юзасидан етмаган қисмини сұғурталаш қўлланилмоқда. Мажбурий сұғурта шартномасининг шартлари қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, уларни ихтиёрий равишда ўзгартириш мумкин эмас. Дарҳақиқат, шартноманинг мажбурий тузилиш фактининг ўзиёқ уни оммавий-хуқуқийлигини эътироф этиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга фуқаролик қонунчилиги шартномаларни мажбурий тартибда тузишни назарда тутади (ФКнинг 377-моддаси), бироқ мазкур ҳолат бу турдаги шартномаларни фуқаролик-хуқуқий ҳолатини инкор этмайди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, мажбурий сұғурта бўйича муносабатларга бошқа хусусийхуқуқий шартномавий конструкцияларга татбиқ этиладиган тамойилларни қўллаш мумкинлигини эътироф этиш лозим¹.

Сұғурта тўғрисидаги хуқуқий муносабатлар бир қанча қонунчилик ҳужжатларида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Сұғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги "Сұғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-618-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Судлар томонидан сұғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" ги 45-сонли қарорида тартибга солинган.

Мулкий сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси содир бўлганда сұғурта қилдирувчига (наф оловчига) бу ҳодиса оқибатида сұғурталангандан мулкка етказилган заарни ёхуд сұғурта қилдирувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ заарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олади.

Шахсий сұғурта эса сұғурталовчининг сұғурта қилдирувчининг (сұғурталангандан шахснинг) ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган тақдирда, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа сұғурта ҳодисаси юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган сұғурта пулини бир йўла тўлаш ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан бўён матнда ФК деб юритилади)нинг [927-моддаси](#) сұғурта шартномасининг шаклига нисбатан

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-tibbiy-su-urta-faoliyatining-u-u-iy-asoslari-rivozhlanish-genezisi>

талабни ўз ичига олган бўлиб, унга асосан бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Суѓурта шартномаси битта хужжатни тузиш ёхуд суѓурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суѓурталовчи томонидан имзолаган ва суѓурта шартномаси шартларини ўз ичига олган суѓурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин.

Суѓурта шартномасининг шаклига нисбатан белгиланган талабга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Суд амалиётида суѓурта фаолияти ва суѓурта шартномалари билан боғлиқ бир қатор низолар кўриб келинмоқда. Жумладан, “ААА” масъулияти чекланган жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар “Суѓурта” акциядорлик жамияти ва унинг Бухоро филиалидан 500.000.000 сўм суѓурта товонини ундиришни сўраган. (Матнда иштирокчиларнинг номи ўзгартирилган)

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 500.000.000 сўм суѓурта товони ундириш белгиланган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суѓурталаш шартномаси” ва суѓурта полиси тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига кўра суѓурталовчи (жавобгар) шартномада шартлашилган ҳақ (суѓурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суѓурта ҳодисаси) содир бўлганда суѓурта қилдирувчи (даъвогар)га ҳодиса оқибатида суѓурталанган мол-мулкларга етказилган зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида суѓурта товонини тўлаш мажбуриятини олган. Суѓурта полисида суѓурта пули 1.500.000.000 сўм, суѓурта мукофоти 2.500.000 сўм, суѓурта муддати 2022 йилдан 2027 йилга қадар этиб белгиланган. Суѓурта полиси бўйича келишилган суѓурта мукофоти жавобгарга тўлаб берилган.

Даъвогар ва Банк ўртасида 2017 йилдаги ипотека-гаров шартномасининг 3.1-банди мазмунига кўра, даъвогарнинг кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун “БББ” масъулияти чекланган жамияти номида бўлган молхона ва айвон биноси, “ВВВ” масъулияти чекланган жамиятига тегишли цех, фуқаро ГГГ.га тегишли бўлган маъмурий бино ва омборхона ёрдамчи бинолар ва бошқа мулклар гаровга қўйилган.

Суѓурта шартномасининг 1-иловаси сифатида тузилиб тасдиқланган суѓурталанган мулклар рўйхатига кўра, суѓурталанган мулкнинг умумий қиймати даъвогар ва Банк ўртасида 2017 йилда тузилган гаров шартномасига асосан 1.500.000.000 сўмни ташкил этади.

Ушбу иловага асосан фуқаро ГГГга тегишли бўлган маъмурий бино ва омборхона ёрдамчи биноларининг суѓурта пули 250.000.000 сўмдан қилиб

белгиланган. Суд мажлисида иштирок этган Кадастрлар палатаси судга фуқаро ГГГга тегишли гаровга қўйилиб, сұғурталанган бино-иншоотлар кейинчалик нотурар бино-иншоотларга ўзгартирилиб, туман ҳокимлигининг қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини билдирган ҳамда ҳолат юзасидан далолатномани судга тақдим қилган. Бироқ, сұғурталанган бино-иншоотларда бино иншоотнинг шифт қисмидаги электр симида юзага келган авария қисқа туташув натижасида ёнгин содир бўлган. Фавқулотда вазиятлар бошқармаси Ёнгинтехник экспертиза бўлинмасининг экспертиза хulosасига кўра, бино-иншоот айвонининг шифт қисмидаги электр симида юзага келган авария (қисқа туташув, ортиқча юкланиш, катта ўтиш қаршилиги) натижасида ёнгин содир бўлган. Даъвогар томонидан жавобгарга ёзма мурожаат қилиниб, сұғурта товонини тўлаб бериш сўралган. Жавобгарнинг мазкур мурожаатларга жавобан йўлланган хатида қайд этилган ҳолатда сұғурта шартномаси шартларига кўра ёнгин сұғурта ҳодисаси сифатида тан олинмаган ва сұғурта товонини тўлаш рад этилганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиқсан.

ФК 357-моддасининг биринчи қисмига кўра, шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

ФКнинг 915-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкий сұғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (сұғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (сұғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (сұғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (сұғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф оловчига) бу ҳодиса оқибатида сұғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд сұғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (сұғурта пули) доирасида тўлаш (сұғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади. Сұғурта шартномасининг 4-бандига кўра сув тошқини, кучли шамол, бўрон, жала, сел, тупроқнинг ёмирилиши, дўл, қалин қор ёғиши, кўчки, яшин уриши, зилзила, ёнгин, портлаш, учувчи аппаратлар механизм ва машиналарнинг қулаши, ўғирлик, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари натижасида сұғурталанган мол-мulkнинг сақланиш жойида заарланиши, нобуд бўлиши, йўқотилиши сұғурта ҳодисаси ҳисобланади. Мазкур ҳолатда сұғурта шартномаси кўра сұғурталанган бино-иншоотда ёнгин сұғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва мазкур ёнгин натижасида зарар етказилганлиги иш ҳужжатларидаги ёнгин ҳақидаги далолатнома, экспертиза хulosалари, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори, тарафлар вакилларининг тушунтиришлари ва бошқа далиллар билан тасдиқланиб, даъво қаноатлантирилган. Суднинг мазкур ҳал қилув қарори апелляция инстанциясида кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.